

Шавкат Мирзиёев: Жорий йил якунига қадар Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд, Сирдарё ва Навоийда ёшлар технопарклари фойдаланишга топширилади.



Шунингдек, ёшларнинг стартап ғояларини саралаб олишнинг очик-ошкора тизими йўлга қўйилиб, энг яхши лойиҳаларни молиялаштиришга келгуси йилда бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратамиз.

Вилоят ҳокимлари ёшларнинг “Бизнесга биринчи қадам” стартап лойиҳалари танловини жорий этиб, ҳар бир тумандан камида уттадан ғолибларга маҳаллий бюджетдан грантлар бериб боради.

Битта грантнинг суммаси ўртacha 50 миллион сўмни ташкил этади.